

Улар билан бирга бўлиб қолишдан қўрқдим



08:00 / 04.09.2020 1903

Бир киши ҳар куни иблисни минг марта лаънатлар эди. Бир куни у ухлаб ётса, кимдир келиб, уни уйғотди ва: «Тур, устинга девор ағдарилиб кетади», деди. Киши ҳайрон бўлиб, «Менга бундай меҳрибонлик кўрсатаётган ким?» деди. «Мен, иблисман», деди у. «Қандай қилиб? Ахир мен сени ҳар куни минг марта лаънатлайман-ку?» сўради бояги киши. Иблис деди: «Мен Аллоҳ таолонинг наздида шаҳидларнинг даражаси қандайлигини биламан. Сени уйғотмасам, ўшалардан бўлиб қоласан, уларга ваъда қилинган нарсага эга бўлиб қоласан деб қўрқдим».

«Солиҳлар гулшани» китобидан